Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

24 май, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 102 (1355)

ГУНТИС УЛМАНИС: ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОННИНГ ДИҚҚАТ ЭЪТИБОРИДА

Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманиснинг Ўзбекистонга ташрифининг иккинчи куни мамлакатларимиз муносабатлари тарихига муҳим саҳифа бўлиб кирадиган учрашувлар, музокаралар, мулоқотларга бой бўлди.

23 май куни Дўрмондаги қароргоҳда Ўзбекистон ва Латвия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Президент Ислом Каримов Гунтис Улманисни ва Латвия расмий делегациясини мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, халқимиз бу ташрифни ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам сифатида қарши олаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари истиқлолга эришилгандан сўнг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг дастлабки натижалари ҳақида сўзлади. Халқаро синчилар, хусусан, халқаро валюта фонди ҳамда жаҳон банки мутахассислари Ўзбекистондаги ислоҳотлар МДҲдаги бошқа давлатлардагига нисбатан самаралироқ бўлаётганини эътироф қилганини қайд этди.

Ўзбекистон бугунги кунда нафақат МДҲга аъзо мамлакатлар, балки дунёнинг бошқа давлатлари, хусусан, Европа Иттифоқи билан ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатмоқда. Шу йил июль ойида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кўзда тутилган. Ислом Каримов Ўзбекистон Латвия билан нафақат икки томонлама, балки Европа Иттифоқи доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиши мумкинлигини қайд этди.

Икки томонлама иқтисодий алоқалар ҳақида гап кетганда, енгил саноат, транспорт ва коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимиз қонунбузарлик ва жиноятчилик, наркобизнес ва террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳам ҳамкорлик қилиши мумкинлигини таъкидлади. Президент шу ўринда Латвия Сайэмида Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш гуруҳининг мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қўшаётган муҳим ҳиссасини таъкидлади ва бунинг учун Латвия парламенти аъзоларига миннатдорлик билдирди.

Президент Гунтис Улманис Ўзбекистонга ташрифининг илк дақиқалариданоқ Латвия делегациясига кўрсатилаётган юксак ҳурмат ва меҳмондўстлик учун Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига миннатдорлик изҳор этди.

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг прогрессив давлатдир, — деди жумладан Латвиянинг давлат раҳбари. — Биз Президент Ислом Каримов раҳбарлигида бозор муносабатларини муваффақият билан қарор топтираётган, барқарор ҳамда иқтисодий имкониятларга бой бу мамлакат билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Ўзбекистон Президентининг 1995 йилда Латвияга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасидаги янгича муносабатга дастлабки ва асосий ҳуқуқий пойдевор яратилган эди. Гунтис Улманис ушбу музокаралар ниҳоясида имзоланажак ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик учун ҳуқуқий асосларни янада кенгайтиришини таъкидлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Латвия мутахассислари икки томонлама солиқ соллиқмаслик, Латвия бандаргоҳларидан биргаликда фойдаланиш, маҳсулотлар сифати ва уларнинг замонавий талабларга мос келиши, ўзаро тўловлар бобидаги музокараларни давом эттириб, яқин келажакда бу соҳалардаги ҳужжатларни тайёрлаши ўзаро манфаатли бўлишини айтди.

Гунтис Улманис Латвия бандаргоҳларидан фойдаланиш масаласига алоҳида тўхталар экан, ўз мамлакатида божхона тарифларининг Болтиқбўйидаги бошқа давлатларга нисбатан арзонлиги Ўзбекистоннинг Латвия билан ҳамкорлигини кенгайтиришга омил бўлишини қайд этди. Шунингдек, мамлакатларимиз табиатни муҳофаза қилиш, маданият, ижтимоий соҳаларда ҳам кенг ҳамкорлик қилиши мумкинлигини таъкидлади.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзаро тўловлар масаласига алоҳида тўхталди. Яқин келажакда Ўзбекистоннинг миллий валютаси тўла конвертация қилинишига эришилади ва бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш имкони яратилади.

- Ўзбекистон халқаро валюта фонди низомидаги 8- бандда қайд этилган шартларни бажариш имкониятига эга,- деди, жумладан юртбошимиз. - Зеро, ўз валютасини тўла конвертациялашга ўтишини эълон қилган Россияда уч ойлик импорт заҳираларини қоплаш салоҳияти мавжуд бўлса, Ўзбекистонда импорт маҳсулотларини етти ойгача таъминлаш қудрати мавжуд.Ёнироқ, биз миллий валютамизни тўла эркин айирбошлаш жараёнини сунъий тезлаштиришни истамаймиз.

Ўзаро музокаралар ниҳоясида икки мамлакат ўртасида ўнга яқин ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисидаги декларацияга имзо чекдилар. Бу декларацияда икки мамлакат бундан кейин ҳам ўз муносабатларини дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик, суверенитет ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш асосида ривожлантириш ниятидалиги қайд этилган.

Ташқи ишлар вазирлари А. Комилов ва В. Биркаус эса Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилгани ҳақидаги протоколни, фуқаролик, оилавий, меҳнат ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Улар, шунингдек, халқаро автомобил қатнови, темир йўл транспорти, алоқа, маданият ва санъат соҳаларида ҳамкорлик ҳақидаги, божхона ишида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга ҳам имзо чекдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг бўлган матбуот конференциясида Ислом Каримов ва Гунтис Улманис икки мамлакат расмий делегациялари ўртасидаги музокаралар якунлари ҳақида журналистларга сўзлаб бердилар. Ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва халқаро ҳамда минтақавий муаммоларни ҳал этиш масалаларида Томонларнинг яқдил экани аён бўлгани қайд этилди.

Ислом Каримов, жумладан, журналистларга Ўзбекистон—Латвия иқтисодий алоқалари ривожланиб бораётганидан далолат берувчи рақамларни келтирди. Европа мамлакатлари билан тобора интеграциялашиб бораётгани тўфайли Латвиянинг МДҲ давлатлари билан маҳсулот айирбошлаш ҳажми камайиб бормоқда. Бироқ, Латвия билан Ўзбекистон ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 1995 йилда қарийб 6 миллион долларга ўсди.

— Шуни таъкидлаш керакки, — деди Ислом Каримов, — икки мамлакат иқтисодий имкониятларидан эндигина фойдаланишга киришилмоқда.

Журналистлар Латвия МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистон ва Украина билан алоқаларни, айниқса ривожлантираётгани боиси билан қизиқдилар.

— Назаримда, Ўзбекистон ҳозир бутун жаҳоннинг диққат эътиборида турибди, — деди Президент Гунтис Улманис. — Ўзбекистондаги барқарорлик ва мамлакат раҳбариятининг собитқадам сиёсати бизга манзур бўлмоқда.

Латвия давлати раҳбари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган ўрни, иқтисодий салоҳияти, ҳамкорликдаги ўзаро тенг манфаатдорлик алоҳида муносабатлар шаклланишига сабаб бўлаётганини айтди. Шу боис Латвия Марказий Осиёдаги мамлакатлар орасида фақат Ўзбекистонда элчихона очганлигини таъкидлади.

Президентлар журналистларнинг минтақада тинчликни таъминлаш, демографик сиёсат, жамиятни демократиялаш, икки томонлама ҳамкорлик хусусидаги бошқа кўплаб саволларига ҳам атрофлича жавоб қайтардилар.

Амиркул КАРИМ.
С. ЗУФАРОВ тасвирга олган. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУРМАТЛИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Ҳурматли Президент жаноблари,
Азиз биродарим,

Ўтган ҳафта дўст ва қардош Ўзбекистонга қилган ташрифим давомида менга ва менга ҳамроҳ бўлган делегацияга Ўзбекистон давлат арбоблари томонидан ҳам, ўзбек халқи томонидан ҳам кўрсатилган қизғин ва самимий меҳмондўстлик ва юксак ҳурмат учун Сиз жаноби олийларига ва Сизнинг тимсолингизда ўзбек халқига чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Ушбу ташриф тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз ва урф-одатларимиз яқинлигига таянган дўстлик, ўзаро тушуниш ва кенг доирадаги ҳамкорликнинг ривожланаётганини яққол кўрсатди.

Ишончим комилки, имзоланган шартномалар, хусусан ташрифимизни янада сермазмун қилган давлатларимиз ўртасидаги абадий дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси порлоқ келажагимиз йўлида хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини ҳимоя қилишида ва давлат қурилишини таъминлашида қўлга киритган ютуқлари билан бир қаторда ривожланиш йўлидаги мустаҳкам ва барқарор одимларини шахсан ўз кўзим билан кўриш мен учун алоҳида севинчли ҳолдир.

Ота юртимиз Ўзбекистоннинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бизга яқин бўлган маданият ва тарихимизнинг буюк обидаларини кўриб жуда таъсирландик.

Жаноби олийларини Туркияда кўриш ва меҳмон қилишдан мамнун бўлишимизни яна бир бор айтиб ўтишни истайман.

Фурсатдан фойдаланиб, самимий саломларим ва энг яхши тилакларимни йўллайман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Жумҳурияти Президенти
Анқара, 1996 йил 15 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЛАТВИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ДЕКЛАРАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси:

Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланиши ва кенгайишига ҳар томонлама кўмаклашиш истагида;

ўзаро манфаатли барча соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорликни фаол ривожлантириш қатъиятини тасдиқлаган ҳолда;

1995 йил 6 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасидаги бошқа шартномалар қоидаларига асосланган ҳолда;

қуйидагиларни билдирадилар:

1. Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси бундан кейин ҳам ўз муносабатларини дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик, суверенитет ва мустақиллики мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларни ўзаро қўллаб-қувватлаш асосида ривожлантириш ниятидалар.

Томонлар улар ўртасидаги ҳамкорлик учинчи давлатларга қарши қаратилмаганини ва низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, ички ишларга аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи қатъиятлари асосида ривожланишини таъкидлайдилар.

Томонлар ҳар бир давлатнинг ўз давлати хавфсизлигини кафолатловчи ташкилотни танлашга бўлган суверен ҳуқуқини белгиловчи БМТ ва ЕХҲТнинг қатъиятларига содиқликларини яна бир бор таъкидлайдилар. Ўзбекистон Республикаси Латвия Республикасининг Европа ва трансатлантик хавфсизлик тизимига интеграция қилиш, Болтиқ минтақасида ва умуман Европада барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган ва бирорта давлатга қарши қаратилмаган сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликка бўлган интилишига тушуниш билан қарайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ҳамкорлик ва ҳамфикрликни ривожлантиришга, Осиё ва Европада хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш учун барча зарур чораларни кўрадилар. Улар бу мақсадларда, шу жумладан, демократик институтларни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари бўйича БМТ, ЕХҲТ доирасида маслаҳатлашадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси Осиёда ва Европада тинчликни, барқарорликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор берадилар. Бу мақсадларда Томонлар «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўзаро ҳаракат қиладилар, маслаҳатлашувлар ўтказадилар, тегишли ахборот билан алмашадилар ва бошқа келишилган чораларни кўрадилар.

4. Томонлар ўтиш иқтисодли мамлакатларнинг дунё хўжалик тизимига интеграциясига кўмаклашиш бўйича аниқ қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадида халқаро ташкилотлар ва анжуманлар доирасида ҳамкорликнинг зарурлигини таъкидлайдилар.

5. Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўзаро манфаатдорлик асосида икки томонлама иқтисодий муносабатларни фаоллаштирадилар.

Томонлар савдо алмашувининг барча шаклларини, кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий ҳамкорликда фаол иштирокини, зарур тижорат ва иқтисодий ахборот билан, молиявий ва иқтисодий сиёсат бўйича фикр ва тажриба алмашувини рағбатлантирадилар, қўшма корхоналарни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишига, миллий капиталларнинг ишлаб чиқариш, инвестиция, банк ва тижорат соҳаларидаги ҳамкорлигининг бошқа илғор шаклларининг ривожланишига кўмаклашадилар.

Томонлар савдо ва хизмат кўрсатиш, даромад ва мулкка солиқ солиш соҳаларида ҳукуматлараро битимлар тузишни зарур деб ҳисоблайдилар.

6. Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси транзит ва транспорт алоқалари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантирадилар ва кенгайтирадилар ва бунинг учун бир-бирларига қулай шароитлар яратадилар. Томонлар бу масала бўйича махсус битимлар тузилиши зарур деб ҳисоблайдилар.

7. Томонлар иккала давлатнинг алоҳида корхоналари, муассасалари, шунингдек, туманлари, вилоятлари ва бошқа минтақалари ўртасида иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ва бошқа алоқаларнинг ўрнатилиши ва ривожлантирилишига кўмаклашадилар.

8. Томонлар фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасида ўзаро ҳаракат қилишни ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири деб тан оладилар ва бу масала бўйича алоҳида битим тузадилар.

9. Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқиб ва ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалигининг турли соҳалари ва тармоқлари учун малакали мутахассисларни тайёрлаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантирадилар.

10. Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришни муҳим деб ҳисоблайдилар.

Томонлар атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, экологик фалокатлар оқибатлари ва табиий муҳитга зарарли саноатнинг таъсири билан кураш бўйича, Орол ва Болтиқ денгизлари муаммоларига алоҳида эътибор берган ҳолда, тажриба алмашиш ниятидалар.

11. Томонлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги ҳамфикрликнинг мустаҳкамланишига кўмаклашувчи маданий ҳамкорликнинг муҳимлигини тан олган ҳолда, турли даражадаги маданий алмашувларни қўллайдилар ва уларни ҳар томонлама рағбатлантирадилар.

12. Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўзаро манфаатли бўлган қолган барча соҳалар ва йўналишларда, уларнинг халқлари манфаати йўлидаги демократик ўзгаришлар ва бозор реформалари соҳасида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни чуқурлаштирадилар.

Ўзбекистон Республикаси номидан	Латвия Республикаси номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ	Латвия Республикаси Президенти Г. УЛМАНИС

Тошкент, 1996 йил 23 май

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

23 май куни Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис ва Ўзбекитон Президенти Ислом Каримов Халқлар дўстлиги саройида ҳар икки мамлакат вазирликлари, йирик корхоналари раҳбарлари, тадбиркорлар ва савдо-саноат вакиллари билан учрашди.

Президент Ислом Каримов ўтган йили Латвияда ва бугун Тошкентда имзоланган бир қанча ҳужжатлар мамлакатларимизнинг иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратганини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари латвиялик тадбиркорларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг иқтисодий ислоҳотлар, мулкдорлар синфининг вужудга келиши ҳамда тузилмавий ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди. Бунда, аввал бошданоқ белгилаб олинган беш тамойилнинг энг асосийси — иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигига амал қилиниши ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда, дея таъкидлади Президент Ислом Каримов.

Учрашувда латвиялик тадбиркорлар, савдо-саноат вакиллари республикамизнинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари, юртимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот олдилар.

Латвия Президенти Гунтис Улманис истиқлол йўлидаги мақсадлари уйғун давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик равнақи икки мамлакат тадбиркорлари қўлида эканини қайд этди. У турли соҳалардаги ҳамкорлик самарасини ошириш, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш учун бир қанча босқичдаги қўшма тармоқ комиссиялари тузилиши айни муддао бўлишини таъкидлади.

Маълумки, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликда коммуникация, айниқса, Латвия бандаргоҳлари орқали Европага чиқиш муҳим ўрин тутади. Учрашув чоғида Ўзбекистон пахтасини Европага экспорт қилиш учун мазкур бандаргоҳлар имкониятларни тўла ишга солиш масаласи бўйича ҳам фикр алмашилди. Латвиялик тадбиркорлар ушбу масала юзасидан бир қанча фойдали таклифларни олга суришди.

* * *

Шу куни Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳам ташриф буюриб, Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов билан учрашди, мамлакатимиз парламенти фаолияти билан танишди. Олий Мажлис кўмиталари раислари иштирокида ўтган учрашув чоғида икки давлат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

(ЎзА).

ТОШКЕНТ БИЛАН ТАНИШУВ

Латвия Президенти Гунтис Улманис Ўзбекистонга ташрифининг иккинчи куни Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий миллий боғига ташриф буюрди.

Латвиялик олий мартабали меҳмон эҳтиром ила буюк бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони мир Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Шу куни Латвия Президенти Гунтис Улманис республика Биржа марказини ҳам бориб кўрди. Гунтис Улманис биржа фаолияти билан танишар экан, мазкур марказ МДҲда ноёб эканини қайд этди. Латвия Президентига ҳамроҳ бўлиб келган ушбу мамлакат ишбилармонлари ҳам марказга юқори баҳо бердилар.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Давлат санъат музейида мамлакатимиз маданияти тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар билан танишди. Меҳмонлар, айниқса, шу йил Франция пойтахти Парижда ўтказилган «Темур ва темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» деб номланган ҳафталикда намойиш этилган кўргазмага алоҳида қизиқиш билдирдилар.

Латвия давлат раҳбарининг республика Биржа маркази ва Ўзбекистон Давлат санъат музейига ташрифи чоғида унга Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИСДА ҚАБУЛ

Аввал хабар қилганимиздек, Индонезия Вакиллар палатасининг делегацияси республикамизда меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга палата Раисининг ўринбосари И. Метариум бошчилик қилмоқда.

Делегация аъзолари Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида қабул қилиндилар. Ташқи ишлар вазирлигида суҳбат ўтказдилар, Самарқанд шаҳрида бўлиб, унинг тарихий обидалари билан танишдилар, шунингдек Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ва бошқа муассасаларда бўлдилар.

23 май куни Индонезия вакиллар палатасининг делегациясини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов қабул қилди. Суҳбат чоғида Э. Халилов республика парламентида амалга оширилаётган ишлар, мустақил давлатнинг қонунчилик базасини яратишда тўпланган тажрибалар, бу борада халқаро парламент алоқаларининг кўмаги бениҳоя катта эканлиги ҳақида тўхталиб ўтди, Олий Мажлис депутатлари бошқа давлатларнинг парламентлари каби Индонезия парламентарийси билан яқин ҳамкорликда ишлаш истагида эканликларини билдирди.

Индонезия делегациясининг раҳбари жаноб И. Метариум аввало республикада уларга кўрсатилган чуқур ҳурмат ва эҳтиром учун миннатдорчилик билдириб, Вакиллар палатаси мамлакатда амалга ошираётган ишлар хусусида ҳикоя қилиб берди. Айни пайтда Индонезияда Ўзбекистон давлатига қизиқиш ортиб бораётганлиги, бу мамлакат парламенти Олий Мажлис билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш истагида эканлигини изҳор этди.

Шундан сўнг делегация аъзолари ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан ўзаро саволжавоб ўтказдилар.

Қабул дўстона ва илиқ вазиятда ўтди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков 1996 йил 23 май куни Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Учрашув чоғида икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари ва Оролбўйи минтақасидаги экология вазияти билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. ҚОРИЕВАНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, миллий балет санъатини ривожлантиришдаги фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри директори Бернора Қориева «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1996 йил 23 май.

ЎЗБЕКИСТОН – ЛАТВИЯ БИЗНЕС СЕМИНАРИ

23 майда «Ўзбектуризм» миллий компаниясида Ўзбекистон ва Латвия вазирликлари, қўмиталари, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, тадбиркорлар иштирокида бизнес семинар ўтказилди. Уни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов очди.

Бизнес семинарда латвиялик тадбиркорлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни, хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит ҳамда инвестиция ётқизиш имконияти мавжуд соҳалар билан таништирилди. Сўнг икки мамлакат тадбиркорлари тармоқлар бўйича гуруҳларга бўлиниб, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтариш юзасидан музокаралар ўтказдилар.

Семинарда Латвия Бош вазирининг ўринбосари М. Гайлис иштирок этди.

(ЎзА).

ҚИШЛОҚЛАРНИ ЮКСАКЛИККА ЭЛТУВЧИ ДАСТУР

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ИЖТИМОИЙ ИНФРАСТРУКТУРАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҚИШЛОҚДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШДА БЕҚИЁС АҲАМИЯТГА ЭГА

• Бизнинг шарх

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 1996 йил 21 майдаги Қарори қишлоқ аҳолисининг бугунги ўй-фикри, келажакка бўлган умид ва интилиши билан уйғунлашиб кетган.

Қарор оммавий ахборот воситаларида чоп этилган куннинг ўзидаёқ, кишилар, айниқса, қишлоқ жойларидаги аҳоли уни зўр қувонч билан ўқиб ва уқиб чиқишди.

Бугун республика қишлоқларида 7391 та ўрта мактабда 3 млн. 459.428 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Шунингдек, республикадаги мавжуд 178 та лицейнинг 20 фоизи, 84 та мактаб-интернатнинг учдан бир қисми, 95 та гимназиянинг маълум бир қисми қишлоқ ҳудудларида жойлашган. Агар уларнинг асосий қисмини 60-70-йилларда бино этилганлигини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамаси Қарорининг нақадар долзарблиги янада намоён бўлади.

Республика Халқ таълими вазирлигидан айтишларича, айнан ана шу Қарорни амалга ошириш бўйича республика бюджетидан 2 миллиард 5 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилган. Унинг эвазига биргина 1996 йилнинг ўзида 42.500 нафар ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаблар қуриб фойдаланишга топширилади. Жумладан, 24.300 ўқувчи ўрнига эга бўлган яроқсиз ҳолдаги мактаб бинолари қайта таъмирланиши кўзда тутилаяпти.

Дунёдаги қайсики мутараққий давлат бор, у, энг аввало, ўз фуқароларининг турмуш шароитини яхшилаш йўлини тутиб, бу борада мавжуд бўлган тўсиқ ва иллатларни ислоҳ қилиш сари дадил боради. Бизда ҳам, давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, қишлоқда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар моҳияти ва натижаси тез кунларда хайри-баракали мева беришини тасаввур қиламиз.

Оналару болалар, уларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш, уларга зарурий ёрдам кўрсатиш ва бу хайрли ишларни доимо ўз тасарруфига олиб, назоратида тутиш... Бу ҳам мустақил давлатимиз ва давлатчилигимизнинг жаҳон афкор оммаси томонидан олқишланаётган тамойилларидан биридир. Айниқса, қишлоқ жойларидаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш савиясини янада яхшилаш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш участкалари, фельдшерлик-акушерлик пунктлари иш фаолиятларини такомиллаштириш, уларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан қайта жиҳозлаш масаласи мамлакат мустақил бўлибдики, юртбошимизнинг нуфузли минбарлардан сўзлаган деярли ҳар бир маърузаларида қайта-қайта такрорланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

Бугун қишлоқ жойларида 450 та қишлоқ участка шифохонаси, 6500 та фельдшер-акушерлик пункти, 1400 та қишлоқ врачлик амбулаторияси мавжуд.

Дастурда назарда тутилганидек, ана шу сиҳатгоҳларни таъмирлаш, кенгайтириш ва қуриш ишларига 1 миллион сўмдан ошиқроқ маблағ давлат ҳисобидан ажратилганлиги ҳам кишини қувонтиради.

Қарор қабул қилинди, ижроси тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар зиммасига юклатилди. Энди уни бажариш масъулияти юки ҳар биримизнинг зиммамизда бўлмоғи, кун сайин сизу бизни бедор этиб турмоғи шарт. Зеро, 2000 йилгача бўлган даврда мамлакатимиз қишлоқларида унинг ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури келажагимиз учун қўйилган яна бир тамал тошидир.

Шодиёр МУТАҲҲАРХОН ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорлик робиталари

«ЗУНДА» ЎЗБЕКИСТОН САРИ ЮЗ ТУТМОҚДА, –

дейди, «Азия-Балт» акционерлик жамияти раҳбари С. Иваненко

Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг юртингизга ташрифи кўп миллатли Ўзбекистон фуқаролари қатори бизни ҳам беҳад қувонтирмоқда, — дея гап бошлайди С. Иваненко. — Иккала давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожланаётганлигига бизнинг фаолиятимиз ҳам мисол бўла олади.

Латвиянинг жаҳонга машҳур «Зунда» акционерлик жамияти ҳомийлигида 1994 йили иш бошлаган қўшма корхонамиз бугунгача юзлаб ўзбек ҳонадонларини бежирим, нафис уй жиҳозлари билан таъмин этди. Бозор тамойиллари ривож топаётган шу кунларда саноат, савдо-сотиқ, ишбилармонлик соҳаларидаги ҳамкорликлар ҳар иккала мамлакат иқтисодиёти учун муҳим ва зарурий ҳолатдир. Олайлик, Латвиянинг саноати, жумладан, мебель саноати тарихи ўтган асрга бориб тақалади. Ўзбекларнинг ёғочсозлик борасидаги тажрибалари эса янада қадимийроқ. Ўзбек усталари яратган бетакрор ёғоч ўймакорлик услуби, қадимий биноларда мужассам этилган эшик ва дарвоза ромларидаги безаклар Ўрта асрлардаёқ бутун жаҳонни лол қолдирган. Ўзбекистоннинг ана шу қадимий бой маданияти ҳам бу меҳмондўст заминда иш бошлашимизга туртки бўлди. Рига шаҳридаги «Зунда» акционерлик жамияти ишлаб чиқараётган юмшоқ ўриндиқлар, нафис уй жиҳозлари, идора ва ташкилотларга мўлжалланган мебеллар бугун Ғарб ва Европа давлатларида ниҳоятда бозори чаққон. «Зунда» Дания, Финландия, Германия, Швеция, Россия каби хорижий элларда ўз расмий вакиллари ва фирма дўконларига эгадир.

«Азия-Балт» акционерлик жамияти «Зунда»нинг Ўзбекистондаги расмий вакили сифатида иш бошлаши билан бутун Марказий Осиё давлатларига «Зунда» маҳсулотлари кириб келишига асос солинди.

Тошкент шаҳрининг Қорақамиш даҳасида, «Чорсу» универмагида очилган фирма дўконларимиз бугун катта муваффақият билан ишлаб турибди. Ригадан келтирилаётган мебеллар, айниқса, «Коримулда», «Иманта», «Расма», «Виктория», «Рута» типидаги уй жиҳозлари харидорлар олқишига сазовор бўлаяпти.

Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги ўзаро дўстона алоқалар ривожи ҳар икки мамлакат ишбилармонлари саъй-ҳаракатларида янги-янги қирралар очилишига олиб келади.

Яқин келажакда эса, «Зунда» маҳсулотларини Тошкентда ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Шу ниятда қўшма корхона очиш учун тайёргарлик жараёнлари кетаяпти. Латвиялик ишбилармонларнинг мақсади Ўзбекистон бозорини сифатли, айтиш мумкинки жаҳон бозорида рақобатбардош мебеллар билан тўлдириш, мамлакатингиз иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшишдан иборат.

— Ўзбекистон бозори Ригадан келтирилаётган бундай харидоргир маҳсулотлар нархини кўтара олаяптими?

— Тўғри, маҳсулот нархи унинг сифатига қараб белгиланади. Лекин биз баъзи Европа мамлакатларидаги саноат корхоналари сингари ўз маҳсулотларимиз нархини осмон қадар ошириб юборганимиз йўқ. Олайлик хонадонларга мўлжалланган «стенка»лар 800-1000 АҚШ доллари атрофида туради. Тўғри, бир қарашда бу оддий меҳнаткаш учун катта пул. Лекин «Зунда» мебелларини қайин, шумтол, эман, ёнғоқ каби дарахтлардан ишланаётганлигини, улар бир неча авлодгача ўз сифатини йўқотмасдан сақланишини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, 30-40 минг сўм жуда арзон нарх.

— «Зунда» ўз расмий вакили «Азия-Балт» иштирокида қўшма корхона очиб, маҳсулотларини тўғридан-тўғри Тошкентда ишлаб чиқарадиган бўлса, унга талаб этиладиган хомашё масаласи нима бўлади?

— Ҳозирча барча хомашё Ригадан келтирилади. Латвия ёғочсозлик саноати ўзининг минглаб гектардан иборат махсус қайинзорлари, эманзорларига эга. Қолаверса, ёнғоқ, арча ва қайроғочзорларни Ўзбекистонда ҳам ўстирса бўлади. Фақат бунинг учун қунт, сабр ва озгина ғайрат бўлса кифоя.

Маълумки, ўзбек усталарининг бугунги кундаги шуҳрати, айниқса, улар обрўйини ошираётган ёғоч ўймакорлиги санъати «Зунда» маҳсулотларига кўчса, ўйлайманки, Латвия мебелларининг шуҳрати янада ошади. Ҳар иккала халқ амалий санъати намуналари уйғунлашиб, жаҳон бозорида бетакрор мебеллар туркуми пайдо бўлса, ажабмас.

Бугун Ўзбекистон бозорида ўз маҳсулотларини намойиш этаётган «Қувамебель» акционерлик жамияти, «Евроуз» қўшма корхонаси, Тошкент мебель фабрикаси, «Ёғочсоз» акционерлик жамиятлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ниятларимиз ҳам йўқ эмас.

Латвия Президентининг Ўзбекистонда бўлиши, иккала мамлакат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар латиш ва ўзбек ишбилармонлари, тадбиркорлари фаолиятида муҳим босқич бўлиши, шак-шубҳасиздир.

«Халқ сўзи» мухбири
Ш. КАРИМОВ суҳбатлашди.

ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР

ИРОҚ БМТ БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗДИ

Ироқ билан БМТ ўртасидаги узоқ давом этган музокаралардан сўнг кейинги олти йил ичида Боғдодга илк бор халқаро нефть бозорига қайтиш ҳуқуқини берадиган шартнома имзоланди. Ушбу шартномага мувофиқ, Ироқ 2 миллиард долларлик нефть сотиш ҳуқуқини олди. Бу пулга озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва бошқа аҳоли эҳтиёжи учун зарур нарсалар сотиб олинади.

ПРЕЗИДЕНТНИ ҚЎШИНЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ

Бангладеш Президенти армия бош қўмондонини ўз вазифасидан бўшатганидан сўнг қўшинлар ичида бир қанча тартибсизликлар бўлган эди. Аммо армиянинг асосий қисми Президентга содиқ қолиб, эҳтимол тутилган исёнчилардан уни сергаклик билан қўриқламоқда.

Словакия. Миллий либосдаги фольклор ансамбли.

НАТИЖАДА ТРАНСПОРТ ТЎХТАБ ҚОЛДИ

Давлат секторида ишлаётган минглаб немис ишчилари иш ташлаганликларини эълон қилиб, кўчаларга чиқишди. Натижада бир қанча йирик шаҳарларда транспорт қатнови тўхтаб қолди. Иш ташловчилар маошларини тўрт-беш фоизга оширишни талаб қилмоқдалар. Айниқса, Кельн, Бонн, Дюссельдорф каби йирик шаҳарларда шаҳар транспорти бутунлай тўхтаб қолди.

ХАМАС ҲАРАКАТИ ИЧИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР

Иордан дарёсининг Ғарбий соҳили ва Ғазо секторида жойлашган исломий ҳаракат фаолари ичида ўзаро келишмовчилик пайдо бўлди. Бу ҳаракат иштирокчилари Исроилга қарши ўзини ўзи нобуд қилиб бўлсада бир қанча террористик операцияларни амалга оширган эди. Исроил фаластинликларга тинчлик ва хавфсизлик ваъда қилгандан сўнг ушбу ташкилот ичида келишмовчиликлар пайдо бўлди. Хамаснинг расмий вакили биз террористик ҳаракатларни тўхтатмоқчимиз, аммо ҳаракатимиз раҳбарияти бунга қарши чиқмоқда, деб баёнот берди.

ОТАЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАШИШ КУНИ

Оталар болалар тарбиясига кам вақт ажратиши эски муаммолардан биридир. Англияда бу муаммони ҳал этишнинг ўзига хос йўли топилди. Бу ерда ҳафтанинг махсус бир куни «Отам билан суҳбатлашаман» деб эъдон қилинди. Бу масалага бағишланган махсус конференция ҳам ўтказилди. Унда таъкидланишича, оталарнинг иш соати қанчалик кўп бўлса, улар болалар тарбиясига шунчалик кам вақт ажратишар экан.

ТЕРРОРИСТЛАР ҚАТЛ ҚИЛИНАДИ

АҚШ Давлат департаментининг баёнотига қараганда, ушбу мамлакатнинг Саудия Арабистонида жойлашган элчихонасига номаълум шахс телефон қилиб, АҚШга қарши террористик ҳаракат қилиш билан кўркитган. Янги террористик ҳаракатлар содир этилиши эҳтимолидан қатъий назар, Саудия Арабистони қўлга олинган тўрт нафар террорчини қатл қилишга қарор қилди.

КЛИНТОН ХИТОЙ БИЛАН САВДО-СОТИҚДА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ РЕЖИМИНИ УЗАЙТИРДИ

Президент Клинтон Вашингтон ва Пекин ўртасидаги жиддий англашилмовчиликлардан қатъий назар, Хитойга нисбатан қўлланилаётган савдо соҳасида қулайлик режимини узайтириш ҳақида баёнот берди. У бу ҳақда ўзининг Осиё қитъаси сиёсатига бағишланган нутқида алоҳида тўхталди. Бу нарса Хитойни очиқ, барқарор ва равнақ топган мамлакатга айлантиради, деди. Бундан эса АҚШ ҳам манфаатдор.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ: РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА БАНК ХИЗМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Статистика ва иқтисодий таҳлил департаментининг директори И. САЛОМОВ билан суҳбат

— Аввало, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг ўзига хос йўллари ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Мукаммал қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил этиш ишига республикамизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг устувор йўналиши сифатида қаралаётганлиги бежиз эмас. Негаки, у иқтисодиётимизнинг янада тараққий этиши учун ғоят зарур. Қимматли қоғозлар аҳолига корхоналарни бошқаришда бевосита қатнашиш имкониятини яратиш билан бирга мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантиради, чет эл сармоядорларининг маблағларини жалб этишда реал восита бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон фонд бозори иқтисодининг ишчан тизимига эга бўлган бир бўлагидир.

Ушбу бозорнинг шаклланиши ва ривожланиши, бошқа давлатлардагидек, каби хусусийлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб, охир-оқибатда давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятларига айлантиришни назарда тутади. 1994 йилда мазкур бозорнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини яратиш ва халқ хўжалигининг бир қатор тармоқларидаги кичик корхоналарни хусусийлаштириш давом этган бўлса, 1995 йилдан эса бу жараён бирмунча фаоллашди. Яъни, ҳозирги кунда хусусийлаштириш ўрта ва йирик саноат корхоналарини очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш йўли билан амалга оширилмоқда.

ВЕКСЕЛЛАР МУОМАЛАГА КИРИТИЛГАЧ

— Ўтган йилдан бошлаб, шунингдек, республикамизда вексель бозорига асос солинди. Ҳозирги кунда векселлар нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг энг қулай воситаси сифатида корхона ва ташкилотларда кенг қўлланилмоқда. Шу муносабат билан халқ хўжалигида уларнинг тутган ўрни ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Векселлар муомалага киритилгач, пулга эҳтиёжманд соҳаларнинг маблағ билан таъминланишида, корхоналарни молиялаш масалаларида ижобий бурилишлар кўзга ташлана бошлади. Улар қисқа вақт ичида молия ва ишлаб чиқариш тармоқларини иккала томон учун ҳам фойдали тарзда бирлаштирди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, банклар ва хўжалик субъектлари ҳисоб-китобларда векселлардан нафақат тўлов, балки кредитлаш воситаси сифатида ҳам фойдаланмоқда. Бу ҳол халқ хўжалигининг барча тармоқларида вексель муомаласининг фаол айланишини таъминлаётир. Натижада ушбу фонд бозорининг ишончлилиги ва ликвидлилиги ошмоқда.

Бугунги кунда қимматли қоғозлар бозорига жами 15.638,2 млн. сўмлик вексель чиқарилган бўлса, шундан 10.538,2 млн. сўмлигини корхоналар векселлари, қолган 5,100 млн. сўмлигини банк векселлари ташкил этади. Улар орқали 65 миллиард сўмлик ўзаро тўловлар амалга оширилди.

— Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда, сизнингча, давлат назорати нималарга қаратилиши лозим?

— Бу юмуш давлат умумиқтисодий сиёсатининг бир қисмидир. Шунинг учун, энг аввало, макроиқтисодий мониторинг ва давлат назорати зарур. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори асосида Давлат мулки қўмитаси ҳузурида Қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тузилди.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг узоқ муддатли сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу дастурнинг қўламини хусусийлаштириш дастурига нисбатан асло кичик деб бўлмайди. Мақсадлар, асосий тадбирлар, уларнинг изчил амалга оширилиши, ресурслар, давлат иштироки даражаси ва бошқа омиллар, энг аввало, пул бозорини эмас, балки сармоя бозорини шакллантиришга, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг асосий вазифаси эса сармояларни жалб этишга қаратилиши лозим. Муҳими — кўплаб сармоядорларнинг маблағларини фонд бозори воситалари ёрдамида тўплаш ва уларни инвестицияларга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш даркор. Барча воситалар — имтиёзлар ҳам, сармоядорлар хавфсизлигини таъминлаш ҳам, бозорнинг очиқ бўлиши ҳам, молия институтларини назорат қилиш ҳам худди шу мақсадларга йўналтирилиши зарур.

Аҳоли маблағларини иқтисодни сармоялашга жалб этиш, республика ҳудудида қимматбаҳо қоғозлар иккиламчи бозорини шакллантириш ва ривожлантириш учун фонд дўконлари тармоғи вужудга келтирилган. Ҳозирги кунда республикада 55 та, Тошкентда эса 30 дан ортиқ шундай дўконлар бўлиб, булар орқали 5 млн.сўмга яқин қимматбаҳо қоғозлар реализация қилинди.

Фонд дўконларида, асосан, аҳолига ҳиссадорлик жамиятларининг акциялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотилади. Улар республиканинг узоқ ҳудудларида яшовчи аҳоли учун ҳам бўш пул маблағларига турли минтақаларда жойлашган ишончли эмитентларнинг барча қимматбаҳо қоғозларини харид қилиш имконини беради. Бундан ташқари, сармоядорлар мазкур дўконлар ёрдамида эмитент тўғрисида ўзларини қизиқтирган барча маълумотларни олишлари мумкин.

ОМОНАТГА ҚЎЙИШ АФЗАЛМИ, АКЦИЯ СОТИБ ОЛИШ?

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий қисми ва республикамизнинг кўпгина аҳолиси вақтинча бўш турган маблағларини омонатларга қўйишга нисбатан қимматбаҳо қоғозларга сарфлашнинг афзалликларини, чунончи, сарфланган маблағнинг муддатидан илгари фойдаланиш заруратти туғилганда уни сотиш ҳамда ундан ҳеч қандай сарф-харажатсиз тўлов воситаси ёки кредит олиш учун гаров сифатида фойдаланиши мумкинлигини тушуниб етдилар.

— Тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорининг энг фаол иштирокчилари бўлиб қолганлигини айтдингиз. Улар томонидан чиқариладиган қимматли қоғозларнинг муомаласи хусусидаги фикрингизни ҳам билмоқчийдик.

— 1994-1995 йилларда Марказий банк томонидан векселлар, депозит ва жамғарма сертификатлар бозорини ташкил этиш ҳамда фонд бозори инфраструктурасини ривожлантиришни таъминлаш ҳақида ишлаб чиқилган ҳужжатлар асосида тижорат банклари ушбу бозорда қатор фаолият турларини амалга оширмоқдалар. Жумладан, республика фонд бозорига уларнинг 4 турдаги қимматбаҳо қоғози муомалага чиқарилган. 1996 йил 1 апрелга қадар эса бундай банкларнинг 1,462 млн. сўмлик акциялари, 135 млн. сўм миқдоридаги депозит сертификатлари, 52,5 млн. сўмлик жамғарма сертификатлари ва 5,100 млн. сўм миқдоридаги векселлар эмиссияси рўйхатдан ўтказилиб, унинг 5.502,3 млн. сўмлиги сотилган.

Банклар — республикамиздаги энг йирик ҳиссадорлик жамиятларидир. 1995 йил давомида ҳиссадорлик банклари қаторига яна 8 таси қўшилиб, ҳозир уларнинг сони 21 тага етди.

Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, аҳоли томонидан харид қилинган банклар акцияларининг 60,4 фоизи оддий акциялардир. Агар бу маълумот ўтган йилнинг бошидаги ҳолат билан таққосланса, аҳолининг қимматбаҳо қоғозларга бўлган муносабати ўзгараётганлиги, унга бўлган ишончнинг ортаётганлигига гувоҳ бўламиз. Чунки ўша даврда аҳоли қўлидаги акциялар пакетининг асосий қисми имтиёзли акциялар бўлиб, оддий акциялар 44,1 фоизни ташкил этган эди. Зеро, бугун аҳолини доимий даромадлардан кўра мулкдорлик ҳуқуқи кўпроқ қизиқтирмоқда. Лекин бу — аҳоли имтиёзли акцияларни сотиб олмаяпти, дегани эмас. Улар банклардан имтиёзли акцияларнинг 71,6 фоизини харид қилганлар. Бунга банклар томонидан имтиёзли акциялар учун тўланаётган дивидендлар даражасининг нисбатан юқорилиги сабаб бўлаётир. Масалан, бултур «Саноаткурилишбанк» ўз акциядорлари учун юридик шахсларга 130 ва жисмоний шахсларга 180 фоиз, «Пахтабанк» имтиёзли акциялар учун 150 ва оддий акциялар учун 120, «Ўзавиабанк» мутаносиб равишда 300 ва 250, «Андижонбанк» 150 ва 145, «Туронбанк» 100 фоиз миқдорида дивидендлар тўлади.

— Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг қисқа муддатли давлат облигацияларини чиқариш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш ишида банкларнинг роли нималардан иборат?

— Бу ҳужжатга мувофиқ, давлат облигациялари бозорида Молия вазирлиги эмитент, Марказий банк дилерлар ўртасида облигацияларни жойлаштириш юзасидан бош агент, тижорат банклари эса дилерлик вазифасини бажаради. Марказий банк ва республика валюта биржаси ҳамкорлигида уюштирилган давлат қисқа муддатли облигацияларининг дастлабки «Кимошди» савдоси 1996 йилнинг 28 мартида ўтказилди. Унда 14 та тижорат банки иштирок этди. Аукцион жараёнида умумий ҳажми 829 млн.сўмлик облигациялар сотилди. Ушбу облигацияларнинг энг арзон нархи 850 сўмга, ўртача нархи эса 866,5 сўмга тенг бўлди. 1996 йил 10 апрелда республика валюта биржасида давлат қисқа муддатли облигацияларининг биринчи марта иккиламчи савдоси ташкил этилди. Унда нархлар 87 дан 92 фоизгача ўзгариб турди ва жами 28 млн. 47 минг сўм миқдоридаги облигациялар сотилди.

Ҳозирги кунда облигацияларнинг иккиламчи бозордаги олди-сотдиси кенгайиб, фоиз даражалари барқарорлашиб бормоқда. Масалан, иккинчи савдода реализация қилинган облигациялар миқдори 125,8 млн. сўмга етиб, номиналга нисбатан ўртача баҳоси 92,53 фоизга кўтарилди.

БАНКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАЁТГАН СТРАТЕГИЯ

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича Идоралараро Кенгашнинг 1996 йил 19 мартдаги йиғилишида юртбошимиз республика банклари ҳиссадорлик жамиятларининг акциялари реализациясини уюштиришда фаол иштирок этишлари лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Бугунги кунда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолиятларини янада кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида Марказий банк уларнинг қарз мажбуриятлари, жумладан, депозит сертификатлари ва векселларни муомалага чиқариш ҳисобига жалб этилган маблағлар суммасидан Марказий банкдаги кредит ресурсларини тартибга солиш фондига ўтказиладиган тўловлардан озод қилди. Улар, шунингдек, ўз қимматбаҳо қоғозлари ва бошқа эмитентлар, айниқса, мижозларнинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш, сотиб олиш ва реализация қилишга кўмаклашиш, бошқа турли хизматлар кўрсатиш ҳамда операциялар учун зарур бўлгани барча меъёрий ҳужжатлар билан таъминланди. Бунинг самараси ўлароқ, қимматли қоғозлар билан бажарилаётган операциялар кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда банклар, жумладан, «Туронбанк» ва «Ғаллабанк» зарур маълумотлар ва малакали мутахассисларга эга бўлгани ҳолда мижозларга бўш маблағлардан фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, қимматбаҳо қоғозлар портфелини шакллантириш бўйича консалтинг хизмати кўрсатмоқдалар, ишонч шартномалари асосида мижозларнинг бўш пул маблағлари ва фонд портфелларини бошқариш билан боғлиқ бўлган траст операцияларини амалга оширмоқдалар.

Қисқаси, яқин келажакда тижорат банкларининг асосий иш фаолияти қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилажак.

«Халқ сўзи» мухбири
И. ЎТБОСАРОВ
суҳбатлашди.

• Мавзуга қайтиб

«ОРОЛНИНГ ҚУРИШИ ҚИЗИЛҚУМ САҲРОСИНИ УЙҒОТМОҚДА»

Бунинг олдини олиш мумкинми?

Республика Ўрмон қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шермуҳаммад Юсуповнинг юқоридаги сарлавҳали мақоласи («Халқ сўзи» 11 январь) чоп этилгач, кўплаб хатлар келди. Улардан айримларини ҳавола этамиз:

«ЯЙЛОВ АЛМАШИШ» ТИЗИМИ ҚЎЛЛАНИЛСА...

Сафарбой ҚОБУЛОВ,
ЎзФА Қорақалпоғистон бўлимининг биология институти ўсимликлар экологияси ва физиологияси лабораторияси мудири, биология фанлари доктори.

— Мақолада илгари сурилган ғояларнинг тўғрилигини Оролбўйи ҳудудларида ва дengизнинг қуриб қолган қисмида йигирма йилдан ортиқроқ вақт ичида ўтказган илмий изланишларим натижалари ҳам яққол тасдиқлайди.

Орол денгизи ҳар йили 60 миллиард куб метр сувни буглатиб, Оролбўйи ҳавосининг мутлақ ва нисбий намлигини таъминлаб турарди. Шу сабабдан ёз ойларида ҳаводаги сув бугларининг миқдори Оролбўйи ҳудудларида марказий Қизилқумга қараганда 15-20 фоиз кўп бўлар эди. Ҳаво намлиги юқори ҳисобланган жойларда ўсимликлар сувга у қадар «ўч» бўлмайди ва ерларнинг шўрланиши секин кечади. Қисқа қилиб айтганда, денгизбўйи ҳудудларида ҳаво сув буглари билан «суғорилганди».

Аммо Орол денгизининг қуриб бориши билан унинг ҳавога етказиб бераётган сув бугларининг миқдори кундан-кунга камайиб бормоқда. Натижада ўсимликлар қопламининг минг йиллар ичида шаклланган сув баланси бузилаяпти. Шу боис ўсимликлар сийраклашиб, уларнинг шохлаш даражаси озайиб, бўйи пасайиб, барглари кичрайиб бормоқда.

Орол денгизининг қуриб қолган қисмида шаклланаётган, майдони 3,4 миллион гектардан ортиқ бўлган янги чўллан соат сайин, кун сайин учиб келаётган шўр чанг-тўзонлар ўсимликлар экологик шароитини янада таранглаштирмоқда.

Биринчи вазифамиз экологик шароит янада танглашувининг олдини олишдир. Муаллиф айтганидек, ҳамма имкониятларни ишга солиб, Оролнинг янада қуришининг олдини олишимиз, денгизнинг қуриган қисмида эса шўрга, чўлга чидамли ўсимликларни қўплаб экишимиз лозим. Бунинг учун Оролнинг қуриган жойида ўсаётган ўсимликлардан фойдаланишимиз керак. Чунки улар ҳали «ёруғ дунёни» кўрмасдан, бу ернинг қийин шароитини бошдан кечирган бўладилар.

Чўлларимизнинг ўсимлик дунёсини, уларнинг яйлов сифатида аҳамиятини сақлаш учун у ерларда транспорт қатновини тартибга солиш керак. Ҳозирги вақтда Қизилқумда ҳам, Устюртда ҳам автомашина ёки трактор босмаган ерни топиш қийин бўлиб қолди. Улар юз йилда пайдо бўлган ўсимлик қопламини бир зумда йўқ қилади. Шу сабабдан чўлда ҳозирги замон йўлларини қуриш катта аҳамиятга эгадир.

Чўл яйловларида мол боқишнинг ҳаддини, ҳозирги экологик шароитни ва ўсимлик дунёсининг аҳволини ҳисобга олган ҳолда қайтадан кўриб чиқиш керак. Албатта, «яйлов алмашиш» тизимини тўлиқ йўлга қўйишимиз лозим. Бу тизим шундай бўлиши керакки, яйлов майдонлари тўрт-беш йил фойдаланилганидан кейин камида бир-икки йил «дам олиши» зарур. Акс ҳолда у ердаги ўсимлик дунёсини сақлаб қолиш мушкул бўлади.

ШАҲАРЛАР ЗАМИНИДАН ҲАМ СУВ «ЙИҒИБ»...

Баҳодир СОЛИЕВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти гидрология ва гидрогеология кафедраси доценти:

— Ш. Юсупов ўз мақоласида долзарб муаммони кўтарибгина қолмай, айнан тўғри мулоҳаза ва таклифларни баён этган. Мен уни маъқуллаш билан бирга бу муаммонинг ечимига ёндашиш йўллари хусусида ўз фикримни билдирмоқчиман.

Орол денгизи сувининг қуриши келтириб чиқарган яна бир муаммо — нафақат суғориладиган майдонларда, балки биз яшаётган шаҳар ва қишлоқ марказларида сизот сувлари қалқиб ётганлиги ҳаммага маълум. Агар 1981 йилда мелиоратив аҳволни яхшилашга муҳтож шаҳарлар сони 94 та ва умумий ер майдони 70 минг гектар бўлса, ҳозир бу муаммо икки баробар кучайди.

Мелиораторларнинг фикрича, шаҳарларимиз тагига 30 йилдан бери «сув қуйиб» келганмиз. Энди ундан ҳар йили 10-12 км. куб сувни йиғиб, Орол денгизига қайтариш мумкин. Бунинг учун Арнасой денгизига барча сувларни жамғарадиган ҳавза керак бўлиб, биринчи босқичда 2000 йилгача Томдибулоқ ёки Мингбулоқ, яъни Қизилқумнинг қоқ ўртасига сув узатилади. Бу ерларни сув билан таъминлаш орқали айрим шўр сувдан озиқланадиган доривор ўсимликлар — ширинмия, янтоқ, хитой картошкаси (топинамбур) ва бошқаларни маданий ўстириш имкониятлари яратилади. Чорвачиликни ривожлантириш учун озуқа базаси вужудга келади.

Иккинчи босқичда Томдибулоқдан ишлатилган сувларни Орол денгизига узатувчи ёпиқ канал қуриш ва 10-15 куб метр (Арнасой денгизи ҳажмига тенг бўлган) миқдордаги сувни Орол денгизига ташлаш кўзда тутилади. Бундай қувурларни цемент қоришмасисиз, соф қумдан ўз жойида тайёрлаш мумкин (масалан, силикат гишти ишлаб чиқаришга ўхшаш). Канал ўзанларини эса энг замонавий усулда, яъни кичик зарядли ядро портлаттичларни горизонтал йўналтириш орқали барпо этиш мумкин. Бу кам чиқим билан, фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланилган ҳолда ва жуда қисқа муддатларда амалга ошириладиган илмий дастурдир.

Умуман олганда, вегитация давомида оқова сувларнинг кўпайиши Арнасой денгизи сатҳининг пасайиши билан, минтақавий ҳаракатда бўлган ер ости сувлари оқимининг кучайиши ва ёғинлар натижасида ҳосил бўлган сувларни йиғиш имкони яратилади ва Орол денгизи минтақасида экологик ҳолатнинг барқарорлашувига олиб келади. Энг муҳими—чўл шаҳарлари, конлар, ўтлоқ ва яйловлар оби-ҳаёт билан доимий таъминланади.

КЎЧМА ҚУМЛАР ТИНЧЛАНТИРИЛСА...

Орол денгизи суви сатҳини аввалги чегарасига қайтаришнинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ. Аммо унинг суви қочган сатҳини ҳалокатдан қутқариш, яъни унга ҳаёт бахш этиш мумкин ва лозим. Республика Ўрмон қўмитаси денгизнинг қуриб қолган ҳудудларига чўл дарахти ва ўсимликларини режали экиш дастурини ишлаб чиққан ва у муваффақиятли амалга оширилмоқда. Дастурнинг тўла бажарилиши ушбу минтақадаги экологик вазиятни соғломлаштириш имконини беради. Ҳозиргача барпо этилган ўрмонзорлар ҳавони кислородга тўйинтириб, бақувват илдизлари билан тупроқни мустаҳкамламоқда ва чанг-тўзоннинг ҳавога кўтарилишига тўсиқ бўлиб, қум барханлари ҳосил бўлишига йўл қўймаяпти. Ўсимликлар билан қопланган кенг майдонлар кейинчалик яйловларга, яъни чорвачиликни ривожлантириш манбаига айланади.

Оролнинг қуриган тубига ҳар йили дарахт ва озуқа экинлари экилмоқда. Республика ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ходимлари экиш учун яроқли ер участкаларини аниқладилар, маҳаллий иқлим шароитига бардошли дарахт ва озуқа экинлари турларини белгиладилар, дарахтзорларни барпо этиш технологияси ва кўчма қумларнинг қўзғалишининг олдини олиш усуллари ишлаб чиқилди. Мутахассис топогрофлар эса (суратда) кўчма қумларни «тинчлантириш» мумкин бўлган янги-янги объектларнинг лойиҳаларини тузмоқдалар.

«Халқ сўзи» газетасининг махсус мухбири А. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.



Дўстлик туманидаги Саркисов номли ширкатлар уюшмасида бу йил 2 минг 100 гектар ерга ғалла экилди.

— Ўрим-йиғимни 15 иш кунида якунлашга аҳд қилдик, — дейди ширкатлар уюшмаси раиси Маматқул Абдурасулов. — Бунинг учун барча техникаларни мавсумга шай қилиб қўйдик.

СУРАТЛАРДА: механизатор У. Мисиров; (чапдан) раис М. Абдурасулов, механизатор Ж. Довуров, бош муҳандис И. Имомов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

• Долзарб мавзу

НОГИРОНЛИК МУАММОЛАРИ

Уларни қандай ҳал этса бўлади?

Ўзбекистонда Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида қонун қабул қилинди. У ногиронлик муаммоларининг тўлақонли ечими топилишига ҳуқуқий пойдевор яратди.

Шу кунгача ногиронлик уч гуруҳга бўлинган бўлиб, бунда беморнинг ҳаётдаги ижтимоий кўникмалари, унинг саломатлик даражасига мос келадиган меҳнат фаолияти, ташқи муҳит шароитига ўрганиб кетиши ва ҳаётининг ижтимоий-маиший томонларига эътибор берилган. Ногиронларни қайта меҳнатга тайёрлаш, касбга ўргатиш ва саломатликларини тиклаш масалалари мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 17 июнда қабул қилган қарорда алоҳида таъкидланган.

Афсуски, ногиронликни аниқлашда ногиронларга бевосита тааллуқли, ўз ечимини топмаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ногиронликни аниқлашнинг янги мезонлари 1956 йилдан бери қўлланиб келинаётган қоидалардан деярли фарқ қилмайди. Давлатимизнинг ҳозирги замон ривожланиши имкониятлари ва тузилаётган янги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинмаган.

Маълумки, ижтимоий таъминот муассасалари, асосан, пенсия ва нафақаларни тайинлаш ҳамда амалдаги қонунларда кўзда тутилган (103 хил) имтиёзларни пенсионерларга, ногиронларга ва нафақахўрларга ўз вақтида берилишини назорат қилувчи ташкилотдир. Таассуфки, мавжуд тизимнинг шакли унинг мазмунига мос келмайди. Бунга биргина мисол қилиб, ахолининг ижтимоий ҳимояси билан ҳозирги кунда 30 дан ортиқ идора ва жамғармалар шуғулланиб келаётганини айтиш кифоя. Шу кунгача бу масалаларни мамлакат миқёсида мувофиқлаштирувчи давлат органи ташкил этилмаган. Ногиронлар тоифасига киручи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи ҳам шу алфозда. Вазирлар Маҳкамасининг 328-сонли қарори (1992 йил, 17 июль)нинг бажарилиши бир неча вазирлик ва тармоқларга юклатилган.

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш тармоғига тиббий-меҳнат экспертиза тизими ҳам киради. Ушбу тизимда ҳозирда Ижтимоий таъминот вазирлиги тиббий-меҳнат экспертиза инспекцияси, Ўзбекистон ногиронлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш илмий текшириш институти (ЎзНМҚАТИ) ва 146 тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари шуғулланмоқда. Кези келганда айтиш керакки, мазкур тизим давр талабига тўла жавоб бермаяпти.

Яқинда республика Ижтимоий таъминот вазирлиги бир гуруҳ мутахассисларни Америка Қўшма Штатларида малака оширишларига имконият яратди. Натижада тиббий-меҳнат экспертиза хизматининг янги концепцияси ишлаб чиқилди. У ногиронлик муаммоларини бутун дунё стандартларига мос равишда ҳал қилишга ўтишдан иборат.

Тараққий этган мамлакатларда ногиронлик гуруҳларини белгилашда асосий мезон фуқаронинг соғлиқ даражасини йўқотиш эмас, балки меҳнат қила олиш даражасига кўра 2 тоифага ажратилади: «меҳнат қилишга лаёқатсиз» — бу тоифа ногиронлар соғлигининг ёмонлашиши натижасида жамият томонидан белгиланган ва қабул қилинган ишларни бажара олмайдилар. Иккинчи тоифа — бу «меҳнатга лаёқатли ногиронлар» бўлиб, улар соғлигини қисман йўқотишган. Бизда эса икки гуруҳдан ташқари меҳнат қобилиятини тўрли даражада йўқотганларга бир хил 3-гуруҳ ногиронлиги белгиланмоқда ва улар бир хил фоизда нафақа билан таъминланган.

Янги концепцияда ногиронларни «меҳнатга лаёқатсиз» ва «меҳнатга лаёқатли» икки тоифага ажратилиши кўрсатилган.

Бунинг қандай афзалликлари бор, деган савол туғилиши табиий. Биринчидан, жахон соғлиқни сақлаш ташкилотида олиб борилаётган статистик кўрсаткичларга ўтилиб, инсонларнинг анатомик-функционал нуқсонлари ва улардаги чегараланишлар мутаносиб ҳолатга келтирилади, меҳнат қобилияти даражасини аниқлаш мезонини мукаммаллаштиради. «Меҳнатга лаёқатсиз» тоифага кирган ногиронларнинг меҳнатга жалб этилиши давлат томонидан таъқиқланишига эришилади. Ва ниҳоят ҳар икки тоифага киручи ногиронларнинг пенсия билан таъминланиши дифференцияланган ҳолатга мувофиқлаштирилади.

«Меҳнатга лаёқатли» тоифага киручи ногиронларни меҳнат билан таъминлаш нафақат ижтимоий таъминот тизими идоралари, балки ҳар бир корхона раҳбарининг вазифаси бўлмоғи лозим. Бунинг назорати Вазирлар Маҳкамасида ташкил этиладиган ногиронлар муаммосини мувофиқлаштирувчи кенгаш (қўмита) томонидан амалга оширилади.

Тиббий меҳнат экспертиза хизматининг янада юксак даражага кўтарилишини ва янги концепциянинг ҳаётда тўлақонли тадбиқ этилишини ЎзНМҚАТИсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 11 ноябрь 1995 йилда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг ногиронлар реабилитацияси бўйича 1996—2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида ЎзНМҚАТИ ногиронлик муаммоларининг илмий-амалий ҳал этилишида бош илмий маскан бўлиши лозимлиги таъкидланган. Бунинг жорий этилиши кўпгина омилларга боғлиқдир.

Республикадаги ногиронлик муаммолари билан шуғулланаётган илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртлари ҳамда ногиронларга мослама — аппаратлар ишлаб чиқараётган корхоналар билан узвий алоқа ўрнатиш, ногиронлик муаммоларининг ҳудудий регионал илмий-текшириш марказларини барпо қилиш, ҳар бир вилоятда ногиронлик муаммоси билан шуғулланувчи ва ногиронларни ижтимоий, касбий қайта тиклаш бўлимларини ташкил этиш бугуннинг талабидир.

Хулоса шуки, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласини янада юқори даражага кўтариш учун кўплаб муаммоларни ҳал этиш даркор. Тиббий-меҳнат экспертиза хизматини ривожлантиришнинг янги концепцияси бу йўлдаги илк қадамдир.

Жамолиддин НАЖМИДДИНОВ,
медицина фанлари номзоди.

БАЛИҚ ОВЛАШ КЎПАЙДИ

Тахтакўпир балиқ хўжалиги аъзолари учун йил баракали келди. Истеъмолчиларга мўлжалдагидан анча кўп балиқ етказиб берилди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, туманда балиқ овлашни камида икки ҳисса ошириш имкони бор. Чунки бу ерда Қорақалпоғистонда энг йирик «Қоратерен» ва бошқа кўпгина кўл ва ҳавзалар бор. Бунинг учун ҳозирча хўжаликка зарур овчилик анжомлари, техника ва ем етишмай турибди. Жамоа аъзолари олинадиган фойданинг бир қисмини ана шу мақсадларга сарфлаш ниятида.

• Божхона бекати

ЁНҒОҚ ПЎЧОҒИДАГИ «ГАШИШ»

Республика Бош божхона бошқармасининг контрабанда, божхона қоидалари бузилишига қарши кураш ва суриштирув бошқармаси бошлиғи А. ҚУРБОНОВ билан суҳбат

— Атҳам Аҳтамович, кейинги йилларда наркобизнеснинг жаҳонда илдиз отиб кетишининг сабабларини нимада деб биласиз?

— Сўнгги икки ўн йиллик мобайнида наркобизнес дунё миқёсида инсоният учун катта хавф сола бошлади. Яқин-яқингача бу офат билан курашиш айрим давлатгагина тааллуқли деган қарашлар бор эди. Айни вақтга келиб эса ушбу муаммо барча давлатларни ташвишга солиб қўйди. Шу боис, жаҳонда наркобизнесга қарши кураш ва уни таг-томири билан қўпориб ташлаш бугунги куннинг долзарб муаммосига айланган. Эндиликда жаҳон ҳамжамияти бутун ер юзига ёйилган наркотик моддаси савдоси билан шуғулланувчи нияти бузуқ тўдаларга қарши курашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Маълумки, бангилик кейинги вақтда, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (СПИД) касаллигининг бутун дунё миқёсида кўп тарқалишида асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки гиёҳвандликка ружу қўйган ва бетартиб жинсий алоқалар йўлига кирган одам фақат ўз ҳаётини заҳарлабгина қолмай, балки зурриётларини ҳам ана шу бедаво дардга мубтало этиши муқаррар.

Бундан ташқари, наркотик модда истеъмол қилган кимса ҳеч қандай жирканч ишлардан, ҳатто қотилликдан ҳам тап тортмайди. Сабаби, у ўз ишини теран ҳис қилолмайди, ўзини бошқара олмайди, натижада ана шулар иштирокида кўплаб жиноятлар содир этилмоқда.

— Мана шу «аср вабоси» билан самарали кураш олиб борадиган давлатлар ҳамжамияти борми?

— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, наркотик моддаларни ноқонуний сотиш ва тарқатишдан тушган маблағ кўпгина қўпорувчилик ҳаракатларининг молиявий таъминотига кетар экан. 1993 йилнинг октябрида бўлиб ўтган Божхона ҳамкорлиги давлатларига аъзо мамлакатларнинг амалий учрашувида ҳам наркобизнес ва наркотик модда истеъмолчиларининг уюшган жиноий тўдалар, коррупция ва терроризм билан қалин алоқада эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ана шу боис дунё миқёсидаги нуфузли халқаро ташкилотлар бутун жаҳон аҳлини гиёҳвандликка қарши курашга ундамоқдалар. Турли даврларда эса ана шу иллатнинг илдизини қирқиш учун зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эса 26 июнни Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни, деб эълон қилди. Бу бежиз эмас, албатта. БМТнинг 1993 йилдаги анжуманидаги маърузасида Президентимиз ана шу муаммога тўхталиб, агар турли мамлакатлар ўзаро ҳамкорликда иш тутмасалар, Марказий Осиё минтақаси яқин келгусида гиёҳвандлик моддалари етиштириладиган марказлардан бирига айланиб қолиши мумкинлигини хавотир билан тилга олганди. Яқинда Бишкекда бўлиб ўтган давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида юртбошимиз ўз нутқида яна бир бор ушбу муаммога тўхталди. Гиёҳвандлик ва наркобизнес мустақил давлатларимизнинг миллий ҳавфсизлигига катта таҳдид солаётганини эслатиб, уни бартараф этиш учун куч-ғайратларни бирлаштиришимиз лозимлигини таъкидлади.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган БМТнинг ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича семинар-кенгашида ҳам бу масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

— Шу ўринда Марказий Осиёдаги қайси давлатларда гиёҳванд моддалар кўп етиштирилиши ва Ғарбдаги мижозларга қай усуллар билан етказиб берилиши устида ҳам тўхталсангиз.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертларининг ҳисобига кўра, Афғонистонда ғайриқонуний гиёҳванд моддаларни етиштириш натижасида йилига 2 минг тонна опий олинар экан. Гиёҳванд моддалар бу мамлакатдан турли хил усуллар билан, албатта, ноқонуний равишда Ғарб мамлакатларига Яқин Шарқ давлатлари орқали олиб ўтилмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудуди орқали ҳам бу «оғу»ни олиб ўтишга уринишлар бўлиб турибди. Шунингдек, ёввойи ўсимлик — каннабис контрабандаси ҳам кейинги пайтда сезиларли кучайди. Гиёҳванд моддалар бўйича назорат қилиш халқаро қўмитаси тайёрлаган маърузада ёзилишича, Қозоғистон ва Қирғизистонда бу ёввойи ўсимлик етиштирилиб, Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига юборилар экан. Бундан ташқари, Тожикистонда сўнгги йилларда рўй берган нотинчлик ва ҳар хил қингирликлар оқибатида ҳам бу мамлакатда ушбу иллат кучайиши сезилмоқда.

Айни пайтда ИИВ ва Бош божхона бошқармаси ҳамкорликда гиёҳванд моддаларни ноқонуний олиб ўтиш, уни сақлаш ва сотишга қарши курашни кучайтирмоқда.

Тошкент жаҳоннинг 20 га яқин йирик шаҳри билан ҳаво йўли орқали боғланган. Ана шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, божхоначилар зиммасига масъулиятли вазифа юкланганлиги аён бўлади. Божхона хизмати тезкор гуруҳи таркибининг озлигига қарамай, махсус ўргатилган итлар ёрдамида битта рейс йўловчилари юкларини қисқа вақт ичида текширувдан ўтказишга муваффақ бўлаётирмиз. Халқаро йўналишларда йўловчилар юкнинг кундан-кунга ошаётгани, гиёҳванд моддалар контрабандаси сони кўпаяётгани тўғрисидаги фактлар Бош божхона бошқармаси қошида кинологик хизматни йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Бу борада республика ҳукумати бизни қўллаб-қувватлади. Айни пайтда бундай марказ қурилиш ишлари жадал олиб борилаяпти.

Кейинги икки йил ичида божхона хизмати ходимлари ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари вакиллари билан биргаликда Ўзбекистондан транзит билан Ғарбий Европа ва АҚШга ўтказилаётган катта ҳажмдаги гиёҳванд моддани ушлашга муваффақ бўлдилар. Бош божхона бошқармаси божхона хизмати ходимлари томонидан 1995 йил мобайнида гиёҳванд модда ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ 476 ҳолат аниқланди. Шу давр ичида жиноятчилардан 534 кг 276 грамм гиёҳванд моддалар ушлаб қолинди. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушланган наркотик моддаларда жаҳон «қора бозори»да нархи баланд бўлган турлари ҳам мавжуд. Масалан, 10 кг 754 грамм гашиш, 155 кг 525 грамм қора дори, 241 кг 288 грамм кўкнор, 126 кг 409 грамм марихуана ва 300 грамм героин қўлга олинган. Бу гиёҳванд моддаларни олиб ўтиш учун жиноятчилар турли йўллардан, транспорт воситаларидан фойдаланганлар.

Аниқланган 54 ҳолатда самолёт орқали 20 кг 374 грамм, 223 ҳолатда темир йўл орқали 185 кг 046 грамм, 139 ҳолатда автомобиль орқали 101 кг 203 грамм, 56 ҳолатда эса чегаранинг божхона пости бўлмаган ўнқир-чўнқир жойларидан пиёда 220 кг 098 грамм гиёҳванд моддаларни олиб ўтишга уринилган.

Мамлакатимиздан ноқонуний равишда транзит орқали ўтаётган наркотик моддаларининг 70 фоизи Тожикистон республикасидан юборилаётганлиги маълум. Уларни ноқонуний олиб ўтувчиларнинг 398 нафари эркаклар бўлса, жиноят 67 ҳолатда хотин-қизлар томонидан содир этилган. Ўтган йил давомида жиноятчилардан 16 дона турли жанговар ўқ отар қурол, 1569 дона ўқ-дори ушлаб қолинди. Республика божхона хизмати тизими наркотик моддаларни олиб ўтишга қарши курашни янада кучайтирмоқда.

Гиёҳванд моддалар контрабандасига қарши кураш Бош божхона бошқармаси фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада республика ҳукумати бизни тўла қўллаб-қувватламоқда. Қолаверса, Ўзбекистон олган мажбурият гиёҳванд моддаларга қарши назоратни янада кучайтиришни талаб этмоқда. Шу боис ҳам, Ўзбекистон БМТнинг ЮНДКП ташкилоти билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Мамлакатимизда гиёҳванд моддалар назорати бўйича республика давлат комиссияси иш олиб бормоқда. Божхона хизмати ходимлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, хорижий давлатларнинг божхона хизмати ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний равишда муомалада бўлишига ва республикамиз ҳудудига олиб кириш ёки чиқаришга қарши барча чора-тадбирларни ишга соладилар.

А. ТИЛОВОВ,
Э. БОЛИЕВ
суҳбатлашди.

Туркиянинг Адана шаҳрида жойлашган
"БЕТА ГИДА САНАЙИ ва ТИЖАРЕТ А.Ш."
ширкатимиз озиқ-овқат тармоғида фаолият кўрсатаётган халқаро андозали хусусий компания ҳисобланади. Бир нечта нуфузли ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этиб, энг юқори совринларни қўлга киритган
"BETA" ва "BAYCE"
цейлон чойларини таклиф этамиз.



Улгуржи харидорларни ҳамкорликка чорлаймиз.

Бош марказимиз "БЕТА ГИДА САНАЙИ ва ТИЖАРЕТ А.Ш" МДҲ давлатларидаги ширкатларимиз:

БЕТА-ЭРНА Ко Лтд	Москва-Россия
БЕТА Бейжан Ко Лтд	Боку-Озарбайжон
БЕТА Қозоғистон	Алмати-Қозоғистон
БЕТА Қирғизистон	Бишкек-Қирғизистон
БЕТА Тур-Гида А.Ш.	Ашгабат-Туркманистон
БЕТА Электроник Ко Лтд	Тошкент-Ўзбекистон

Битим тузсам, омадим чопади, деганларни қуйидаги манзилда кутамиз:
Тошкент ш., Усмон Юсупов кўчаси, 119, "Лабзак" бекати.
Тел.: (3712) 48-04-97, 48-05-10. Факс: (3712) 48-09-90.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректори ҳамда ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоатчилиги ўзбек классик адабиёти кафедрасининг профессори, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби **Натан Муродович МАЛЛАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси илмий ходим Сурайёхон Васихоновага отаси **Набихон ВАСИХОНОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ташкилот Тошкентдаги омборидан
Россияда тайёрланган
30 килоли тўр қоплар
(шойидан, қўш ипли)
сотади.
Баҳоси 12 сўмдан. Тўлов шакли ихтиёрий.
Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан 16 гача қуйидаги телефон орқали мурожаат қилинг:
(3712) 56-35-26.

СЎЗ МАҲЗАНИНИНГ ХАЗИНАДОРИ

Олим ҳақида сўз кетганида, одатда, унинг қайси сиймо ҳаёти ва фаолияти бўйича илмий тадқиқотлар яратганига қараб, «темуршунос», «навоийшунос», «бобуршунос», тор илмий соҳасидаги йўналишига кўра, «назариётчи», «усулиётчи» каби атамалар қўлланилади. Лекин баъзи олимларимиз ижодий камолот палласида улуғ аллома даражасида такомиллашадиларки, энди уларнинг салоҳият қамровларини биргина атама ифодалашга ожизлик қилиб қолади. Ана шундай серқирра истеъдод соҳибларидан бири Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофотининг икки карра совриндори, филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметовдир.

Етмиш ёшни баракали ижод билан қаршилаётган бу устоз олимнинг илмий-адабий адабиётшунос, шарқшунос, навоийшунос, тарихшунос, элшунос, тилшунос, матншунос, манбашунос, шоир сифатидаги истеъдод қирраларини намоён этган.

А. Ҳайитметов — илмнинг мана шу тармоқларида самарали меҳнат қилиб ўзига хос мактаб яратган олим. Бизда минглаб олимлар бор, лекин мактаб яратган олимлар бармоқ билан санарли даражада кам. Устоз мактабининг бир қатор йўналишлари борки, улар энг асосийси—академик илмий-назарий тадқиқотлар яратиш йўналишидан вужудга келган. Ушбу йўналиш Тошкент давлат университети Шарқ факультетини битириш чоғида ёкланган диплом ишидан бошланган. Ўшанда бўлғуси олим Шайх Саъдий жаҳоншумул мавкеидаги адабий сиймо эканлигини биринчи бўлиб эътироф этганида, Шарққа паст назар билан қарайдиган баъзи шўропараст олимлар аввалига ларзага тушиб, тараддудланиб қолган, диплом иши билан танишиб чиққандан кейин эса исботланган, асосланган илмий фикрга тан берганлар. Кейинчалик олим филология фанлари номзоди ва доктори илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ёзиб, қўлами изланишлар олиб бориши самараси ўлароқ, «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан», «Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари», «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари», «Навоий лирикаси» каби улкан назарий тадқиқотларни вужудга келтирди. Янада мухими, уларни амалиётга татбиқ этди, ўз вақтида китоб ҳолида кенг жамоатчиликка тақдим этишга муяссар бўлди.

Қарийб ўттиз йил муқаддам олимнинг фаолияти илмий тадқиқотларга раҳбарлик қилиш босқичига кўтарилди. У республика миқёсидаги муаллифлар жамоаси билан ҳамкорликда муҳим ишларни амалга оширди. Илмий фаолият қамрови кенгайди. Беш жилддан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи» тадқиқотининг А. Ҳайитметов раҳбарлигида яратилиши ва тўла нашр этилишининг ўзи катта бир амалий адабиётшунослик мактаби бўлди. Ўша энг қадимги даврдан тортиб XX аср аввалларигача бўлган бой миллий адабий ёдгорликларимиз биринчи марта изчил илмий таҳлил этилди. Бу залворли ва сермашаққат тадқиқотни амалга ошириш республика пойтахти ҳамда вилоятларидаги адабиётшунос олимларнинг бошини қовуштириш, улар билан доимий мустаҳкам алоқадорликда ишлашни тақозо этарди. Кўплаб олимларнинг ҳаммуаллифликдаги илмий ишини ташкил этишнинг қийинлиги яна шунда эдики, турлича дунёқарашларни ягона концепцияга бирлаштириш, қарамақарши нуқтаи назарларнинг туташ нуқталаридан келиб чиқиш, баҳсли масалаларда адолатли ва ҳаққоний фикр устуворлигини таъминлаш зарур эди. Муаллифлар кўп, қарашлар ва савиялар ҳар хил бўлгач, улкан тадқиқотнинг ҳар жилди мақолалар тўпламига айланиб қолиш хавфи бўлади. Беш жилднинг яхлит ва юқори савияли асар сифатида майдонга келиши раҳбардан филдай сабр-тоқат, куч-ғайрат, меҳнат-машаққат, масъулият, толмас талабчанлик, кенг кўнгил, муросаю мадора талаб этди. Жами 140 босма табоқдан ортиқ илмий ишнинг ҳаммаси бошдан оёқ — қўлёзмадан тортиб сўнгги мусаҳҳиҳлик варақларигача устознинг назаридан ўтиб олам юзини кўрди. Айтишгагина осон, бу иш нақадар мураккаб жараён ва босқичлардан иборат бўлишини илм аҳли яхши билади. Аввалига, бу тадқиқот ғоявий нуқтаи назардан «ўтмишни идеаллаштириш» сифатида қаралди, олимлар жамоасига маломат ёғдирилди, қадрланмади. Кейинчалик изчил равишда рус тилида ҳам босилиб чиқди ва собиқ иттифоқ адабиётшунослик оламида воқеа бўлди. Бир гуруҳ муаллифлар Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофоти билан тақдирландилар. Беш жилдликнинг юзага келиш жараёни «шу қозонда қайнаган» кўплаб назариётчи олимларга, илмга энди кириб келаётган ёшларга ибратли амалий мактаб вазифасини ўтади. Ҳар қандай адабиёт ихлосманди ёки тадқиқотчиси учун ҳозирча беш жилдлик Ўзбек адабиёти тарихи энг мукаммал таянч манба сифатида хизмат қилади.

Алишер Навоий қомусини яратиш тажрибаси А. Ҳайитметов илмий мактабининг яна бир ўзига хос йўналишини ташкил этади. Чунки ушбу ишнинг ташаббускори, ташкилотчиси, саркор ижрочиси шу олим бўлди.

Миллий адабий қомус яратишнинг тажрибаси бўлмаган, бунинг учун ҳали илмий замин етилмаган, ўошган муаллифлар жамоаси шаклланмаган шароитда ташаббус кўтариб оғир юкни зиммага олиш жасорат эди. 1986 йилда бошланган бу ишга ҳам ташкилотчилик ва тадбиркорлик билан бутун республика адабиётшунос, санъатшунос олимлари сафарбар этилди. Жуда қисқа муддат — бир йил оралиғида Навоий қомуси сўзлиги тайёрланди ва унинг муҳокама нусхаси Ўзбек қомуси бош таҳририяти томонидан 1988 йилда нашр этилди. Мўлжалдаги 100 босма табоқ иш асосан битирилди. Лекин моддий шароит ва имкониятнинг торайиб қолганлиги туфайли Навоий қомусини якунлаш, нашр этиш ишлари вақтинча тўхтаб турибди. Аммо адабий қомус яратишнинг мураккаб йўлини мардонавор босиб ўтиш, бу заҳматли юмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўришнинг ўзи бир амалий мактаб бўлди. Албатта, умидвормизки, маънавият миллий мустақиллик мафкурамизнинг таянч омилларидан экан, яқин келажакда бундай хайрли ишларга шароит яратилади, улуғ олим раҳбарлигидаги иш ниҳоясига етказилади. Балки келажакда «Навоий қомуси» ўзбек ва инглиз тилларида чоп файли Навоий қомусини якунлаш, нашр этиш ишлари вақтинча тўхтаб турибди. Аммо адабий қомус яратишнинг мураккаб йўлини мардонавор босиб ўтиш, бу заҳматли юмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўришнинг ўзи бир амалий мактаб бўлди. Албатта, умидвормизки, маънавият миллий мустақиллик мафкурамизнинг таянч омилларидан экан, яқин келажакда бундай хайрли ишларга шароит яратилади, улуғ олим раҳбарлигидаги иш ниҳоясига етказилади. Балки келажакда «Навоий қомуси» ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилар ва Навоий тимсолида ўзбек маданияти жаҳонни яна бир бора забт этар.

Илмий тўпламлар яратиш тажрибаси ҳам А. Ҳайитметов илмий мактабининг муҳим йўналишидир. Унинг раҳбарлигида нашр этилган ўнлаб илмий тўпламлар сифатли ва юқори савияли бўлишидан ташқари, монографик изчилликда тузилгандир. «Навоий ва ижод сабоқлари» (1981), «Алишер Навоий «Ҳамса»си» (1986), «Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари» (1993) каби тўпламлар фикримизнинг далилидир. А. Ҳайитметов илмий фаолиятининг муҳим қирраси йигирмадан ортиқ фан номзодлари ва докторлари тайёрлашда кўринади. Ҳар бир ёш олимни тарбиялаб маҳсулдор мутахассис даражасига етказиш ўн йиллаб меҳр ва меҳнат сарфлашни талаб этади. Устоз эса елкама-елка ўтириб, тер тўкиб ишлаштан эринмаганлардан. Домланинг бўлимида ўтадиган Академия режали ишларининг ва диссертацияларнинг муҳокамаси алоҳида амалий мактаб хусусиятига эга. Бўлим бу кезларда очиқ жанг майдонига айланади. Бу жанг — беғараз, мароқли, маданиятли жанг. Баҳс-мунозара қизғин тус олади. Ҳамма бир мақсад — чинакам илмий ҳақиқатларни аниқлаш, уни ҳалол ва тўғри талқин этиш учун курашади. Бундай муҳокамаларда олимларнинг қулфи диллари очилиб, талай мураккаб илмий жумбоқлар йўл-йўлакай ечилиб кетади. Бирор ўқув юртида адабиётшунослик илми ва усулиёти бундайин амалий, махсус ўргатилмайди.

Алишер Навоий умр фасларининг фалсафий тақсимоти ҳақидаги байтларидан бирида «Етмиш аро вожиб эрур турмоғинг» дея сабоқ берган экан. Дарвоқе, Навоийнинг садоқатли тадқиқотчиси А. Ҳайитметов 70 ёшида белини маҳкам боғлаб фан йўлида фидойиларча хизмат қилмоқда. Яқинда унинг «Темурийлар даври ўзбек адабиёти» номли каттагина янги китоби ва у нашрга тайёрлаган XV аср ўзбек олими Маҳмуд Тарозийнинг мумтоз адабиёт бадийияти қонунлари ёритилган «Фунун ул-балоға» (Балоғат фанлари) асари китобхонлар қўлига бориб етади. Алишер Навоий маънавий ёдгорликларни халққа етказувчи олимларни «Сўз маҳзанининг хазинадори» деб аталганди. Маънавият дурдоналарини уй, музей, институтларда сақлайдиган айрим хазинабонлар борки, улар бисотларидаги бойликни халққа етказмайдилар ёки етказолмайдилар. Ўзлари ҳам бахраманд бўлолмайдилар, элни ҳам баҳраманд этмайдилар. Навоий таърифи уларга тўғри келмайди. А. Ҳайитметов сингари «хазина»дан фойдалана оладиган, топган-тутганини халққа тортиқ этадиган олим чинакамига сўз хазинасининг хазинадоридир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари номзоди.

• Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллиги олдидан

ЭЛИМ ДЕГАН ЭЛ ФАРЗАНДИ

Бухоролик олимлар, ёзувчи ва журналистлар кейинги йилларда Ф. Хўжаев, А. Фитрат ҳаётлари, сиёсий ва илмий фаолиятларини ўрганишга катта эътибор бериб келмоқдалар. Изланишлар ўз самарасини бераётир. Масалан, яқинда «Бухоро» нашриёти истеъдодли ёзувчи ва журналист Н. Наимовнинг Ф. Хўжаев ҳаётига бағишланган «Мен яшашни истайман» роман-хроникасини босмадан чиқарди. Мухбиримиз асар муаллифи билан учрашиб суҳбатда бўлди.

— Нусратилло ака, сиз асар ёзишда анчагина мураккаб йўлни танлабсиз, Албатта, бу ҳар бир ижодкорнинг ўз иши. Демоқчиманки, роман-хроникада айтиладиган бир фикр тарихий ҳужжатлар асосида ўз ифодасини топмоғи шарт. Уни бадиий асар янглиғ бўяб ва бўрттириб ҳам бўлмайди...

— Фикрингизни тушундим. Менда 1980 йилларнинг бошида Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат ҳаётларини ўрганиш истаги пайдо бўлди. Ҳар эҳтимолга қарши уларни танийдиган ва кўпни кўрган қариялар билан суҳбатлашиб, хотираларини ёзиб бора бошладим. Борган сари бу қизиқиш кучайиб, каминани тарихий манбаларни титкилашга ундади. Ўша пайтларда, «мутлақо сир» тутиладиган ҳужжатлар билан танишиш осон эмасди. 1983 йил вилоят раҳбариятидан илмий тадқиқотчи сифатида Москвадаги архивга кириш учун хат олдим. Бу уринишим бирор-бир самара бермади. Фақат республика газетасига ишга ўтганимдан сўнг рухсатнома олдим ва шундан кейингина «мутлақо сир» деб аталадиган темир эшикларни очиш имкони пайдо бўлди. Шундай қилиб, 7 йил (таътиллар ҳисобида) давомида қатъиян махфий ҳужжатларни ўргандим. Ўнлаб дафтарлар рақам ва далилларга тўлиб кетди.

— Имкониятдан яна қандай фойдаландингиз?

— Бу ерда Бухоро ва Туркистон Компартиялари ҳақида ҳам жуда кўп маълумотлар бор экан. Уларнинг кўплаб йиғилиш қарорлари ва баённомаларини кўчириб олдим. Абдурауф Фитратга тааллуқли ҳужжатлар билан ҳам танишишга улгурдим. Ленин кутубхонасида таъқиқланган китоблар рўйхати бор. Шу ерда биринчи марта Файзулла Хўжаевнинг 1927 йилда чоп этилган «Жадидлар» асарига кўзим тушди. Юртдошимизнинг суди жараёнидаги стенографик ҳисоботни ҳам кўчириб олдим. Уни ўқиган киши Ф. Хўжаев ҳақида нотўғри фикрда бўлганлигидан уяладди.

— Эсингизда бўлса, кўзга кўринган арбоблар, ҳатто ёзувчилар ҳам Файзулла Хўжаевни «қизил комиссар», ватан хоинига чиқаришган эди. Сизнинг асарингизда эса бунинг аксини кўриб хурсанд бўлдик. Колаверса, сиз уни 1988 йилда ёзиб тугатган экансиз...

— Дарҳақиқат, йигирма ёшли, ҳали сиёсий шакланиш даврини бошидан кечираётган йигит большевиклар таъсири остига тушиши табиий эди. Зеро, шўролар унга Бухоро озод ва мустақил давлат бўлади, деб ваъда берган эдилар. Ҳолбуки, ўзимиз ҳам собиқ империянинг «қизил шиор»ларига етмиш йил давомида ишониб келмадикми? Файзулла Хўжаев Бухоро инқилобидан кейиноқ ўз хатосини тушунди. Шундан сўнг то умрининг охиригача мустақиллик йўлида дадил курашди. Унинг сўнгги нутқи Ўзбекистон Компартияси VII съездида бўлди: «Менинг бахтсизлигим шундан иборатки, мен ҳам ўн олти ёшимда инқилобий ишга киришиб кетдим ва 1917 йилдаёқ «Ёш бухороликлар» ҳаракатининг қуролли қўзғолонига қатнашдим ва ўлим жазосига ҳукм этилдим. Мен туркистонликлар ичида биринчи бўлиб 22 ёшда Совнарком раиси вазифасига тасдиқландим». Бу сирли ва аламли сўзлар остида нима маънолар ётганийкин? Уни англаганлар ҳар бир сўзи хоинларга ва шўроларга нисбатан ўқ эканини тушунадилар.

Ҳақиқатан, Файзулла Хўжаевнинг Бухорои шарифда, яна катта мулкдор ойласида дунёга келгани, ёшлигидан истеъдодли тадбиркор сифатида танилгани, йигирманчи йилларнинг бошидаёқ большевиклар партиясига нисбатан мухолиф сиёсий кучга айланган «Ёш бухороликлар» партиясининг раҳномаларидан бири эканлиги унинг фожеаси эди.

Бухоро инқилобидан сўнг ёш республика тез суръатларда ривожлана бошлади. Улар Эрон, Афғонистон, Туркия, Озарбайжон, Россия, Германия ва яна бир қатор мамлакатларда ўз элчихоналарини очишга муваффақ бўлган эдилар. Бу мамлакатлар билан нафақат савдо-саноат, балки маданий алоқалар ҳам йўлга қўйилди. Кўплаб бухоролик ва туркистонлик ёшлар шахсан Ф. Хўжаев ва А. Фитрат ташаббуси билан Германиянинг турли шаҳарларига ўқишга жўнатилдилар. Бухоронинг жаҳон бозоридаги мавқеи ошиб кетиб, мамлакатнинг ички ҳаётига ижобий таъсир кўрсата бошлади. Очлик ва қаҳатчиликка чек қўйилди, қоларверса, Россия ва Туркистонга озиқ-овқат билан катта ёрдам кўрсатилди. Шу вақтда ҳукумат миллий милиция ва миллий армия тузиш тадбирларини кўра бошлади. Бухоро пулининг қадр-қиммати Туркистон Республикаси пулига нисбатан 8-10 баробар ошиб кетиб, совет Туркистонни бозорига пароходлик олиб келди. Бундай қатъий ҳаракатлар шўролар ҳокимиятини ташвишга сола бошлади. Ғаламислар Бухоро Компартиясидаги дўстона муҳитни бузиб, унинг раҳбарларини қарама-қарши икки гуруҳга бўлишга эришдилар. Россиянинг синовдан ўтган бу усули қўл келди.

Бухоро Компартияси раҳбарларидан Мавлонбеков, Ҳусаинов ва яна бир қатор сўл гуруҳ вакиллари Ф. Хўжаев ва бошқа давлат арбоблари бўйнига турли айбларни тўнкаб, Тошкент ҳамда Москвага шикоятлар уюштиришди. Большевиклар партияси буни Бухоро халқ республикаси ҳукуматининг сиёсий инқирози, дея тус берди. Рудзутак бошчилигидаги комиссия ҳукумат фаолиятини ўрганиб, А. Фитрат, Атоулла Хўжаев, Мўинжон Аминов сингари етук шахсларга қора чаплаб, уларни Бухородан бадарға қилишга эришдилар. Бундан кўзланган асосий мақсад Бухорони мустақиллик йўлидан қайтариш эди. Файзулла Хўжаевни Москвада даволанаётган жойидан чақириб олишиб, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгашининг раиси этиб тайинлашди. Шундай бўлса-да, у асл орзуси — мустақиллик туйғусидан воз кечмади. Давлат бошлиғи бўла туриб ҳукумат таркибида партия сиёсатига қарши «ўн саккизлар» кўмитасини тузгани фикримиз исботидир. Ф. Хўжаев «қизил комиссар» эмас — миллий қаҳрамонимиздир.

— Юбилейга ҳозирлик кўриш вилоят комиссияси аъзоси сифатида, айтинг-чи, Файзулла Хўжаев хотирасини абадийлаштириш учун вилоятда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Ҳамюртларимиз бу тўйга қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Ф. Хўжаев дунёга келган ҳовли унинг уй-музейига айлантирилади. Бугунги кунда уни жуда кўп меҳмонлар, ҳатто, чет эллик сайёҳлар ҳам зиёрат қилишмоқда. Шаҳар марказида у кишининг номи билан юритилувчи болалар боғи ташкил этилаётир. Боғда Ф. Хўжаевнинг катта ҳайкали ҳам ўрнатилади. Бундан ташқари Бухоронинг содиқ фарзанди номи билан «Энг яхши тадбиркор» анъанавий йиллик мукофот таъсис этилди. Унинг миқдори 50 минг сўм қилиб белгиланди. Айни кунларда бухоролик тарихчи олимлар, зиёлилар, журналистлар билан вилоятдаги меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида Ф. Хўжаев хотирасига бағишлаб учрашувлар, кечалар ўтказилмоқда.

Ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Ўйлаймизки, улуғ ватандошимиз юбилейини муносиб кутиб олиб, руҳларини шод этамиз.

Суҳбатдош: Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Мустақиллик даври матбуоти»

ЙИЛНИНГ ЭНГ ИЛҒОР ТАҲРИРИЯТИ, ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва республика журналистлар уюшмаси «Мустақиллик даври матбуоти» шиори остида «Йилнинг энг яхши журналисти», «Йилнинг энг илғор таҳририяти» танловини ўтказади.

Танловда республика, вилоят, шаҳар, туман газеталарида, шунингдек, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, телевидение ва радио журналистлари, таҳририят жамоалари қатнашишлари мумкин. Танловга тақдим этилаётган таҳририятлар фаолияти, мақолалар Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, янгича миллий тафаккурни бойитишга қаратилган бўлмоғи, юксак маҳорат ва истеъдод талабларига жавоб бериши билан ажралиб турмоғи керак. Танловга тақдим этилган ижод намуналарига таҳририят жамоасининг қарори ва мухтасар тақризи илова қилинади. Танлов мақолалари 2 нусхада Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувига (700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй) 1996 йилнинг 1 декабрига қадар юборилиши лозим. Голиблар 1997 йил арафасида матбуотда эълон қилинади.

Танлов голиблари қуйидаги тартибда тақдирланадилар.

1. ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН:

Биринчи мукофот (тўртта) — ҳар бири 10000 сўм.
Иккинчи мукофот (бешта) — ҳар бири 7000 сўм.
Учинчи мукофот (бешта) — ҳар бири 5000 сўм.

2. Республика, вилоят, шаҳар, туман ва кўп нусхали газета таҳририятлари учун:

Биринчи мукофот (бешта) — ҳар бири 10000 сўм.
Иккинчи мукофот (тўққизта) — ҳар бири 7000 сўм.
Учинчи мукофот (олтита) — ҳар бири 5000 сўм.

3. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ИЖОДКОРЛАРИ УЧУН:

Биринчи мукофот (иккита) — ҳар бири 10000 сўм.
Иккинчи мукофот (иккита) — ҳар бири 7000 сўм.
Учинчи мукофот (тўртта)— ҳар бири 5000 сўм.

БАЛЕТ МАЛИКАСИ

Табиийки, ҳар бир санъаткор қайси соҳада бўлмасин, маълум даврга келиб ўз ижодига якун ясайди. Қандай асарлар ёки образлар яратилди, уларнинг қайси бири халқимизнинг миллий маданияти, маънавияти ва эстетик дидини бойитишга хизмат қилганини таҳлил этади. Маълумки, ёзилган бадиий асар ёхуд саҳна ва экранда гавдалантирилган образларнинг айримларигина ўчмас из қолдиради, ижодкорини абадийлаштиради.

Масалан, Отеллони Аброр Ҳидоятовсиз, Навоийни Олим Хўжаевсиз, Гули ёки Офелияни Сора Эшонтўраевасиз, Эдипни Шукур Бурҳоновсиз, Муқимийни Раззоқ Ҳамроевсиз тасаввур қилолмаймиз. Жизель, Нина, Анна Каренина, Одетта-Одиллия образларини эса Бернора Қориевасиз. Моҳир санъаткор талқинидаги бу нодир образлар фақат ўзбек хореографиясига эмас, балки дунё балет санъати тарихига ҳам алоҳида саҳифа бўлиб кирди.

Бернора Тошкент хореография билим юртини тугатгач, тўрт йил давомида Москва Катта академик театрида устозларидан таҳсил олди. Айниқса, машҳур раққоса Галина Улановадан кўп нарса ўрганди. Шунинг самараси бўлса керак, 1957 йилда Москвада ўтказилган Халқаро кўрикда Ф. Шопеннинг «Шопениана» балетида Муза образини яратиб, қумуш медал олишга сазовор бўлди. Кўрикдан сўнг Франция, Англия, Венгрия, Миср, Венесуэла, Колумбия, Мексика, Бразилия, Чили, Уругвай, Аргентина, Ямайка, Куба каби мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб, ўз санъати билан томошабинларни ҳайратда қолдирди.

Ижодий фаолиятини бошлаганига ўн йил ўтар-ўтмас «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонини олган раққоса умрининг қирқ йилини саҳнага бағишлади, турли-туман образлар яратиб, ўзбек балет санъатининг маликасига айланди. Ҳамза номли республика давлат мукофотининг совриндори бўлди.

Унинг ижодий фаолияти Овруپо классик балет санъатини ўзбек халқига таништириш билан чекланмади. Унинг бирданбир мақсади — миллий хореография санъатини шакллантириш эди. Шунинг учун машҳур мумтоз балет асарлари билан бир қаторда маҳаллий бастакорларнинг балет спектакларида Семург, Меҳри, Раъно каби ажойиб образларни гавдалантирди. Айни пайтда ўзбек томошабинига маъқул тушадиган, унинг эстетик талабига жавоб берадиган бадиий ифода усулини яратишга киришди. Бу борада севимли раққоса Мукаррама Турғунбоевага мурожаат қилди. Иккала санъаткор «Мовий мақом» номли миллий хореографик ансамбль тузади. Бу гуруҳ Бернора раҳбарлигида бир қатор миллий рақсларни саҳналаштиради. Улар мақом қуйларига асосланган эди. Ижрочилар учун миллий либослар тикилди. Мазкур рақсларда раққоса Овруپо классик балетида қўлланилган анъанавий воситалар билан ўзбек миллий рақс санъатига хос нафис ҳаракатларни уйғунлаштирди. «Мовий мақом» гуруҳи ижросидаги рақслар катта халқ йиғинларида намойиш этилди. Томошабинда зўр қизиқиш уйғотди. Шундан сўнг Б. Қориева миллий балет спектаклини яратишга киришди. 1981 йилда Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» драмаси асосида бастакор Р. Вильданов билан ижодий ҳамкорликда балет спектаклини саҳналаштирди. Асарнинг бош қаҳрамони Марямхон образида ўзи чиқди. Спектакль ўзбек миллий балет санъатининг чинакам пойдевори десак, муболаға бўлмайди.

Унинг педагогик фаолияти ҳам салмоқли. Тошкент давлат маданияти олийгоҳида бўлажак санъат соҳибларига ўзининг бой ижодий тажрибаси ва билимини сингдирди, профессорликка эришди.

1985 йилда республикамиз театр жамоатчилиги Бернора Қориевани Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг президенти қилиб сайлади. Бундан икки йил муқаддам эса А. Навоий номли Ўзбекистон Катта академик театрига директор этиб тайинланди. Шу кунгача уюшмада ҳам, театрда ҳам ишлаб келмоқда.

Бор истеъдодини санъатга бағишлаган раққосанинг ижод йўлига ҳавас қилса арзигулик.

Сиддиқ ЖЎРА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

АЖОЙИБ ОЛАМ SAMSUNG

World BEST



SAMSUNG

БУНИ ФАҚАТ ОРЗУ ҚИЛИШ МУМКИН!

"Самсунг-Электроникс" уч йиллик тадқиқотлардан сўнг жаҳонда энг ясси экранли 29-дюймли биотелевизор яратди. У ўта тиниқ тасвирга, овозга ва замонавий кўринишга эга.
Ажойиб тасвир - Сиз бир пайтнинг ўзида иккита сюжетни томоша қилаверасиз.
Тиниқ овоз - товушнинг сифати компакт-диска даражасида, овозни истаган сюжетга мослайверасиз: "Концерт", "Стадион", "Моно".
Замонавий, хушбичим, бошқа "SAMSUNG" телевизорларига нисбатан 30 фоиз ихчам.

Фирма дўконлари:

Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Бешёғоч" бозори, 2-дўкон	7(3712) 45-52-69
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Олой" бозори	7(3712) 45-80-41
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Чорсу" савдо маркази	7(3712) 45-52-69
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, Хўжаев кўчаси	7(3712) 45-52-69
Кафолат-Файз	Тошкент, "Чорсу" бозори, Эскижўва кўч.	7(3712) 42-29-89
ТОУ Ко., ЛТД	Тошкент, Амир Темур кўчаси, 110	7(3712) 34-02-58
ТОУ Ко., ЛТД	Тошкент, "Чилонзор" савдо маркази	7(3712) 35-09-86
СТАЛИК	Фарғона, Аль-Фарғона кўч., 20	7(3732) 24-49-18

SAMSUNG Electronics компанияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича дилерларни таклиф этади. Алматидаги омборидан бевосита етказиб берилади.
Самсунг Электроник Ко.
Алмати офиси, Алмати, Абилайхон, 81.

SAMSUNG ELECTRONICS

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — А. Абдураҳмонов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0259 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 23.00. 123456